(1823-1864)
(1856-1864)

Хива хони. Кўнгиротлар сулоласидан. Мухаммад Рахим И нинг ўгли, Мухаммад Рахим ИИ -Ферузнинг отаси. Унинг даврида Хивадаги ички низоларга бархам берилган, хонликда тинчлик-осойишталик баркарор топган. Сайид Мухаммадхон 1858-йил Хивага келган Н.П. Игнатев миссиясини кабул килган. Шу йили 28 августда Хивада рус элчихонаси очилган. 1863-йил венгер сайёхи Г.Вамбери хам Сайид Мухаммадхон кабулида бўлган. Сайид Мухаммадхон даврида Хивадаги Кўхна арк саройидаги кўринишхона кайта тикланган ва унинг шипи, айвон устуни хоразмча накшлар билан безатилган. 1859-йилда Хиванинг Дишан калъа кисмида, Нуруллабой богида янги кўринишхона куриб битказилган. Огахий “Гулшани давлат” тарихий асарида Сайид Мухаммадхоннинг хонлик даврини таърифлаган. Сайид Мухаммадхон хонликни бошкаришда бошка давлатлар, айникса, Россия билан муносабатларида ўзини мустакил ва тенг хукукли давлат хукмдори сифатида тутган. Сайид Мухаммадхоннинг жасади Хивадаги Саид Мохи рўйи жахон (Саид Махрўйжон) макбарасига кўйилган.